

Болалар учун юриш мосламаси (детский ходунок)нинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражаси ҳамда рақобат муҳити тўғрисида МАЪЛУМОТ

Рақобат сиёсати ва истеъмолчилар ҳуқуқлари тадқиқотлари маркази томонидан ТИФ ТН коди 9403700002 остидаги **болалар учун юриш мосламаси (детский ходунок)** товар бозоридаги рақобат муҳитини таҳлил қилиш ҳамда ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаш бўйича ўрганилди.

Ўрганиш Миллий статистика қўмитасининг 2023 йил учун саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлар базаси ҳамда Божхона қўмитасининг импорт ва экспорт маълумотларига асосан ўтказилди.

I. Болалар учун юриш мосламасининг импорт ва экспорт ҳолати.

Ҳисобот даврида **33 та** корхона томонидан **7 та** давлатдан қиймати **694 минг АҚШ доллари**га тенг бўлган **379 тн** болалар учун юриш мосламалари **импорт** қилинган.

Импорт қилинган маҳсулотларнинг **51 фоизи** – Хитой, **48 фоизи** – Тожикистон, **1 фоизи** эса бошқа **5 та** давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Импорт асосида олиб келинган болалар учун юриш мосламаларининг ўртача нархи **1 тн** учун **1,8 минг долларга** тўғри келган.

Импортнинг концентрация даражаси ўрганилганда **энг йирик 5 та** импорт қилувчи корхона ҳиссасига жами импортнинг **81 фоизи** тўғри келган.

2023 йилда **4 та** корхона томонидан Қирғизистон ва Тожикистонга қиймати 7 минг долларга тенг бўлган **1,2 тн** болалар учун юриш мосламалари **экспорт** қилинган.

II. Ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражаси.

Миллий статистика қўмитаси ва Божхона қўмитасининг 2023 йил бўйича расмий статистика маълумотларига асосан ички бозорда ТИФ ТН коди 9403700002 остидаги болалар учун юриш мосламаларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражаси аниқланди.

Маълумот учун, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорида белгиланган тартибда ҳисобланди.

2023 йил давомида **12 та** хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қиймати **8,5 млрд сўмлик 493 тн** болалар учун юриш мосламалари ишлаб чиқарилган.

Мазкур маълумотлар асосида болалар учун юриш мосламаларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси 2023 йилда **56,6 фоизни** ташкил этганлиги аниқланди.

Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорига асосан товар бозори ҳажмида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар улуши 80 фоиздан кўп бўлганда бозор товар билан тўйинган ҳисобланади ва мазкур улуш ушбу кўрсаткичдан кам бўлганда товар билан тўйинмаган ҳисобланади.

III. Ички бозордаги рақобат ҳолати.

Таҳлиллар доирасида болалар учун юриш мосламаси ишлаб чиқариш бозоридаги рақобат ҳолати халқаро тан олинган **ННІ** (Херфиндал-Хиршман индекси) ва **CR - 3** кўрсаткичлари орқали баҳоланди.

Хўжалик юритувчи субъектлар сони ва ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлари асосида **ННІ** ҳисобланганда, индекс натижаси **2 241 пункт**га тенг бўлганлиги ва ушбу товар бозорида **рақобат муҳити етарлича ривожланмаганлиги** аниқланди.

*Маълумот учун: **ННІ** (Херфиндал-Хиршман индекси) бозордаги рақобат муҳитини баҳолаш ва концентрация даражасини аниқлаш учун фойдаланилади. Унга кўра, ННІ кўрсаткичи **0 дан 1500 пунктгача** бўлганда **рақобат муҳити ривожланган**, **1500 дан 2500 пунктгача** бўлганда **рақобат муҳити етарлича ривожланмаган**, **2500 дан 10 000 пунктгача** бўлганда бозор **рақобат муҳити ривожланмаган** ҳисобланади.*

Шунингдек, ички бозорда болалар учун юриш мосламаларининг **CR-3** кўрсаткичи **77 фоиз**га тенг бўлган.

CR-3 кўрсаткичи – маҳаллий ишлаб чиқариш бозоридаги энг йирик 3 та корхонанинг бозор улушлари йиғиндисига тенг.

ННІ ва **CR-3** кўрсаткичлари болалар учун юриш мосламалари ишлаб чиқариш бозори **рақобат муҳити етарлича ривожланмаган бозор** деб таснифланишини кўрсатмоқда.

IV. Хулоса.

ТИФ ТН коди 9403700002 остидаги болалар учун юриш мосламаси (**детский ходунок**)нинг тўйинганлик даражаси **56,6 фоиз**ни ташкил этганлиги ҳамда ички бозорда мазкур маҳсулотга бўлган талабнинг юқорилиги сабабли, ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича **янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.**